



**“BIOLOGIK KIMYO FANINING ZAMONAVIY  
TIBBIYOTDAGI O‘RNI – KESHA, BUGUN VA ERTA”  
RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI  
Buxoro 2022-yil, 15-16-aprel**

**РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ  
КОНФЕРЕНЦИЯ “РОЛЬ БИОЛОГИЧЕСКОЙ  
ХИМИИ В СОВРЕМЕННОЙ МЕДИЦИНЕ-ВЧЕРА,  
СЕГОДНЯ И ЗАВТРА”  
15-16 апрель 2022 г, г. Бухара**

**REPUBLICAN SCIENTIFIC-PRACTICAL  
CONFERENCE “ROLE OF BIOLOGICAL CHEMISTRY  
IN MODERN MEDICINE - YESTERDAY,  
TODAY AND TOMORROW”  
Bukhara 2022, 15-16-april**

**616.5-6.43**

**22ay.325**

“BIOLOGIK KIMYO FANINING ZAMONAVIY TIBBIYOTDAGI O‘RNI – KECHA, BUGUN VA ERTA” RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI [Matn]: maqola va tezislar to‘plami. "Sadriiddin Salim Buxoriy" Durдона, 2022.- 170

**UDK 616.5-6.43**

**BBK 22ay.325**

### **MAS‘UL MUHARRIR:**

Amonova M.M. - k.f.f.d. (PhD)

### **TO‘PLOVCHI VA NASHRGA TAYYORLOVCHILAR:**

Shukurov I.B. - b.f.n.

Mardonov S.Y. - o‘qituvchi

Sherov Sh.A. - o‘qituvchi

Umurov F.F. -o‘qituvchi

Obloqulov Sh.Sh. - o‘qituvchi

Ushbu ilmiy-amaliy anjumanning ilmiy maqola va tezislari to‘plamida ilm-fan va ta‘lim tizimidagi keng ko‘lamli islohotlar. pedagogik ta‘limda xalqaro tajriba va innovatsion yondashuvlar borasida fikr va tajriba almashish, sohada amalga oshirilayotgan islohotlarni tahlil qilish, tadqiq etishga qaratilgan takliflarni qamrab oluvchi ilmiy, amaliy hamda uslubiy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

*Mazkur to‘plamga kiritilgan maqolalar va tezislarning mazmuni, statistik ma‘lumotlar, bildirilgan fikr hamda mulohazalarga mualliflarning o‘zlari mas‘uldirlar.*

© BUXORO DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI

ISBN-978-9943-8158-2-7

«DURDONA» nashriyoti -2022

---

<i>Z.R.Mamadaliyeva</i> - <b>VIRTUAL LABORATORIYA USULIDA QONDA XOLESTERIN MIQDORINI BIOKIMYOVIY ANALIZATORDA ANIQLASH</b> .....	113
<b>OLIIY TA'LIMNING PEDAGOGIK JIHATLARI</b> .....	115
<i>S.B.Jo'raqulova, S.I.Nazarov</i> - <b>KIMYO FANINI O'QITISHDA INTERFAOL JADVALLARDAN FOYDALANISH</b> .....	115
<i>Karimova Z.M.</i> - <b>KIMYO FANIDAN "AMINOKISLOTALAR VA OQSILLAR" MAVZUSINI O'QITISHDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING ROLI</b> .....	116
<i>Sharipova N.O'</i> - <b>KIMYO FANINI MAXSUS FANLAR BILAN ALOQADORLIKDA O'TISH USLUBIYOTI</b> .....	118
<i>Nurilloev Z.I., Nutfilloyeva O.J.</i> - <b>O'QUV JARAYONIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN SAMARALI FOYDALANISH</b> .....	120
<i>G'afurova G.A.</i> - <b>KIMYO VA FIZIKA DARSLARINING O'ZARO BOG'LIQLIGI</b> .....	122
<i>A.A. Амруллоев, Д.А. Хазратова</i> - <b>KIMYO FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING TA'LIM SAMARADORLIGIGA TA'SIRI</b> .....	123
<i>Toshmurodov D.A.</i> - <b>BIOKIMYO FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH DARS SAMARADORLIGINI OSHIRISH OMILI</b> .....	125
<i>Adizova Nargiza Zamirovna</i> - <b>ORGANIK KIMYO FANIDAN " OQSILLAR" MAVZUSINI O'QITISHDA ILG'OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING ROLI</b> .....	127
<i>Abdullayeva M., Atoyev E.X.</i> - <b>TA'LIM JARAYONIDA QO'LLANILADIGAN PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING XUSUSIYATLARI TO'G'RISIDA</b> .....	129
<i>И.М.Нурмонова, Холмуродова Д.К</i> - <b>БИОКИМЁ ФАНИНИ ТИББИЁТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЎРГАНИШДА КИМЁНИНГ АҲАМИЯТИ</b> .....	130
<i>Jo'rayeva L.R.</i> - <b>PEDAGOGIK TEXNALOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI VA YUTUQLARI</b> .....	132
<i>N.M.Amonova, G.A.Xudoynazarova</i> - <b>O'QUVCHILARGA KIMYOVIY BILIMLARNI BERISHDA NIMA UCHUN? SXEMASIDAN FOYDALANISH</b> .....	133
<i>O.A. Саидов, У.У. Хафизов, Ф. М. Нурутдинова</i> - <b>«БИООРГАНИК КИМЁ, ОРГАНИК КИМЁ ВА ФИЗИКАВИЙ КИМЁ» ФАНЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ</b> .....	135
<i>P.A.Рашидова, Г.А.Худойназарова</i> - <b>АНОРГАНИК БИРИКМАЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ СИНОФЛАРИ MAVZUSINI TUSHUNTIIRISHDA DIDAKTIK ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ</b> .....	136
<i>N.J. Jamolova, A.K. Niyozov</i> - <b>ANORGANIK KIMYO FANINI O'QITISHDA INTERFAOL METODLARINING O'RNI</b> .....	138
<i>A.K. Ниёзов, Д.М.Муродов</i> - <b>ОРГАНИЗАЦИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ БУДУЩИХ ХИМИКОВ</b> .....	140
<i>F.Sh.Ergasheva, G.A.Xudoynazarova</i> - <b>KIMYO DARSLARDA KEYSLAR FOYDALANISH</b> .....	142
<i>H.I.Amonova, S.Sh.Sodikova</i> - <b>KEYS USULINING BIOKIMYO FANINI O'QITISHDAGI O'RNI</b> .....	144
<i>Amonova H.I., Madjidov A.A.</i> - <b>TIBBIY TA'LIM UZLUKSIZLIGINI TA'MINLASH STRATEGIYASIDA KUZATILAYOTGAN ISTIQBOLLI MASALALAR</b> .....	146

О.А. Саидов, У.У. Хафизов, Ф. М. Нурутдинова  
Бухарский государственный университет  
parviz.feruza83@mail.ru

## «БИООРГАНИК КИМЁ, ОРГАНИК КИМЁ ВА ФИЗИКАВИЙ КИМЁ» ФАНЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Аннотация:** Маколада Биоорганик кимё, Органик кимё ва Физик кимё фанларидан дарсларда инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш ва самарадорликни ошириш тўғрисида маълумотлар келтирилган. Олий таълимда ўқитиладиган маъруза ва лаборатория машғулотларини автоматлаштириш мақсадида яратилган электрон дарсликларнинг роли ва аҳамияти тажриба синовлар асосида ёритилган. Биоорганик кимё, Органик кимё ва Физик кимё фанларидан электрон дарслик мультимедия технологияларидан фойдаланиш билан бир қаторда ўқувчи ёки талаба якка тартибда фойдаланиши учун ҳам қулай бўлиши лозим.

**Калит сўзлар:** инновацион технологиялар, электрон дарслик, мультимедия, вертуал

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да ўқув жараёнининг моддий техник ва ахборот базаси етарли эмаслигига, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали алоқадорликнинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради, деб кўрсатиб ўтилган. Шунинг билан бир қаторда илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш орқали илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора тадбирини ишлаб чиқиш, илғор ахборот ва педагогик технологияларини амалга ошириш учун тажриба майдончалари барпо этиш орқали эса илмий тадқиқотлар натижаларини таълим тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмининг рўёбга чиқариш, замонавий ахборот технологиялари, компютерлаштириш ва компютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бориши белгилаб қўйилган.

Электрон дарсликлар бирор фан ёки мавзу ҳақида тўла маълумотларни ўз ичига олган бўлиши ва уни анимация ёки видео тасвирлар ёрдамида, бойитилган ва овоз матнини тўлалигича такрорланмаслиги керак. Электрон дарслик мультимедия технологияларидан фойдаланиш билан бир қаторда ўқувчи ёки талаба якка тартибда фойдаланиши учун ҳам қулай бўлиши лозим. Бу эса ўқувчи ёки талабаларга тайёр консультация бўлиб хизмат қилиши мумкин. Демак бундан келиб чиқадиги, электрон дарслик узлуксиз ва тартибланган кетма кетликда бўлиши керак. Ҳар қандай танланган мавзу ёки бўлим айниқса амалий машғулотлар ва текшириш (тест) билан яқунланган бўлсагина самарали ва натижали бўлиши мумкин [1].

Биоорганик кимё, Органик кимё фанидан электрон дарслик асосан 5 қисмдан иборат бўлади.

1. Матннинг компютерда кўриниши.
2. Тақдимотли (мультимедиа) ташкилий – бу ерда коллоид кимёга оид анимациялар кўрсатилади.
3. Тест назорати – бунда фандан олинган назарий билимлар баҳоланади.
4. Ҳар бир мавзуга оид таянч иборалар берилади.
5. Кимё фанига ҳисса қўшган олимлар ҳаида маълумот берилади.



**1-Расм**  
дарсликдаги  
кимёдан  
саҳифаси

**Электрон**  
Биорганик  
анимациялар

Талаба яратиладиган электрон китоб орқали қуйидаги имкониятларга эга бўлиши мумкин:

1. Зарурий маъруза ва лаборатория ишларини режа асосида тезда излаш (оддий дарсликда буни топиш қийин);
2. Китоб ва дарсликда бўлмаган аудио, видео кўринишларни: тажрибаларда содир бўладиган ходисаларни – газнинг ажралиши, моддаларнинг ёнишини, чўкманнинг ранги, унинг эришини видеода жонли овоз, ранглитасвир, мусиқа ёрдамида ҳаракат элементларини кўриш ва эшитиш;
3. Мавзуга тегишли реакция тенгламаларини ва тажрибаларни анимацион кўриш;
4. Кимёвий формулалар, схемаларнинг тузилишини, тасвирини анимацион кўриш;
5. Матннинг зарурий лавҳаларини принтер орқали босмадан чиқариш;
6. Маърузада олган билимини мустаҳкамлаш ва тез текшириш (тест, масалаларни ечиши, жадвални тўлдириш каби);
7. Кимё соҳасидаги муҳим тарихий саналарни билиш;
8. Кимё соҳасида изланишлар олиб борган олимлар билан танишиш, уларни кўриш, ҳамда улар хақида маълумотлар олишга муяссар бўладилар.

Демак, талабаларнинг “Коллоид кимё” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидадан фойдаланиб, янги инновацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда талаба электрон дарслик, мультимедиа ва анимациялардан фойдаланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Нуругдинова Ф.М., Ихтиярова Г.А. Кимё фанида электрон дарсликдан фойдаланиш// Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар “Олима” уюшмасининг 25 йиллигига ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”га бағшланади Инсон манфаати энг олий қадрият. Республика илмий-амалий конференция. Бухоро. 2017. 106-108 б.

*Р.А.Рашидова, Г.А.Худойназарова*  
*Бухоро давлат университети.*

### **АНОРГАНИК БИРИКМАЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ СИНФЛАРИ МАВЗУСИНИ ТУШУНТИРИШДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Аннотация.** Ушбу тезисда умумтаълим ўрта мактаб кимё дарсида “Анорганик бирикмаларнинг энг муҳим синфлари” мавзусини тушунтиришда дидактик ўйинларни қўллаш орқали дарс самарадорлигини ошириш йўллари ва ўқувчиларнинг ўқув